
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДАНҒАРА ТУМАН КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Бугун Халқ депутатлари Данғара туман Кенгашининг навбатдаги сессияси ўтказилди. Бугунги сессия ишида туман Кенгashi депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринbosарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор ташкилотлари раҳбарлари, Узбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси Данғара тумани бўлими мудири ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашишди.

Сессия кун тартибига Данғара туманидаги “оғир” шароитдаги 2 та (Таптиқсарой, Урганжи) маҳалла фуқаролари йиғинларида “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида олиб бориладиган ишлар, хусусан хўжаликларо ва ички йўлларни таъмирлаш, асфалтлаш, шағаллаштириш, пиёдалар йўлакларини қуриш ва таъмирлаш, ички ирригация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш, дарахтзор ва гулзорлар ташкил этиш, чиқиндиҳоналар қуриш ва таъмирлаш, тунги кўча ёритиш тизимини яхшилаш, электр энергияси ва табиий газ таъминотини яхшилаш, алоқа ва ахборотлаштириш тизимини яхшилаш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, ичимлик ва оқава суви таъминотини яхшилаш, якка тартибдаги ва кўп хонадонли уй-жойларни таъмирлаш, худудларини ободонлаштириш, ирригация-мелиорация тизимини яхшилаш, ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш ва таъмирлаш ишлари бўйича ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибиغا киритилган масалалар бўйича

туман ҳокими биринчи ўринbosари Анваржон Абдуллаев Алиевич

туман ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринbosари Маъруфжон Холмирзаев Комилович

Халқ депутатлари туман Кенгashi котибият мудири Икромжон Эргашев Махмуджонович

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Нуриддин Йўлдошев Ботирали ўғли

туман кадастр агентлиги Давлат корхонаси раҳбари Дилшоджон Муҳаммаджонов Алиматовиҷларнинг маъruzалари тингланди.

Сессия якунида кун тартиbidаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-03-19 20:17:09**